



2020 у. г. « 17 » октябрь № 604-к Toyloq sh. – г. Тайлак

Қўшчинор массивида фаолият  
кўрсатиб келаётган “Акмал  
Тошпўлатович” фермер хўжалигига  
туман ҳокимлиги заҳира ерлари  
ҳисобидан қўшимча ер майдони  
ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил боктябрдаги 3-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман ҳокимлиги заҳирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш (реализация қилиш) комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган “Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалигига Қўшчинор массиви ердан фойдаланиш харитасининг 39, 38, 27к, 89-контурларидан жами 19,0 гектар шундан 17,20 гектар суғориб ҳайдаладиган, 1,0 гектар боғзор, 0,80 гектар ариқ ва зовурлардан иборат ер майдони бириктириб берилсин.

2.“Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалигининг мавжуд Қўшчинор массиви еридан фойдаланиш харитасининг 34к, 35, 33, 32, 31, 30, 29, 28, 20, 22, 23, 24, 130, 128, 129, 149, 148, 150, 154, 174, 177, 176, 175, 120, 121, 122, 123, 126, 124, 27к-контурларидаги жами 72.7 гектар шундан 60.7 гектар суғориб ҳайдаладиган, 2.0 гектар боғзор, 1.8 гектар узумзор, 1.9 гектар тутзор, 1.0 гектар сув ҳавзаси, 3.0 гектар ариқ ва зовурлар, 1.1 гектар йўллар, 1.0 гектар қурилиш ости ерлар, 0.2 гектар бошқа ерлардан иборат бўлган ер майдонларига танлов орқали ютиб олинган Қўшчинор массиви ердан фойдаланиш харитасининг 39, 38, 27к, 89-контурларидан жами 19,0 гектар шундан 17,20 гектар суғориб ҳайдаладиган, 1,0 гектар боғзор, 0,80 гектар ариқ ва зовурлардан иборат ер майдони бириктирилиб “Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалигининг жами 91.7 гектар

шундан 77.9 гектар суғориб ҳайдаладиган, 3.0 гектар боғзор, 1.8 гектар узумзор, 1.9 гектар тутзор, 1.0 гектар сув хавзаси, 3.8 гектар арик ва зовурлар, 1.1 гектар йўллар, 1.0 гектар қурилиш ости ерлар, 0.2 гектар бошқа ерлардан иборат ер майдонлари 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

3.Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узоқ муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов), “Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалиги раҳбари (Д.Мухаммадиев)ларга фермер хўжалигининг ер тузиш хужжатларига ўзгартириш киритиш топширилсин.

6.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов) “Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалигини бюджет билан бўлган ҳисоб китобларини қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

7.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман хокими



Б.Бабоназаров